



100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгоҳ, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2016 йил 31 март
8/8-262/4-сон

Aksiyadorlik jamiyat shaklidagi
“XORAZM SHAKAR”
qo’shma korxonasi
(546)

Aksiyadorlik jamiyat shaklidagi “XORAZM SHAKAR” qo’shma korxonasi
ustavi kiritilgan ўzgartiriш va қўшимчалар 2016 йил 31 мартда давлат
рўйхатидан ўтказилди.

Илова: 4 варақда.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан
ўтказиш бошқармаси бошлиғи



М.Махмудов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

томонидан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

2016 йил « 31 » март даги

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТ
ШАКЛИДАГИ
«KHORAZM SHAKAR»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

томонидан

«ТАСДИҚЛАНГАН

2016 йил « 18 » март даги
баённома

Йиғилиш раиси  Юлдашев Х.А.

Йиғилиш котиби  - Мирхабибов Ш.Ш.

ИЛОВА

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«KHORAZM SHAKAR» ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ
УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР
ВА ҚЎШИМЧАЛАР РЎЙХАТИ

Эски тахрир	Янги тахрир
<p>5 МОДДА. УСТАВ ФОНДИ. 5.3 Банд. Жамиятнинг Устав Фонди, ҳар бирининг номинал қиймати 5'000 (Беш минг) сўм бўлган 2'840'000 (Икки миллион саккиз юз қирқ минг) дона оддий эгаси ёзилган акцияларга бўлинган, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none">➤ «SEID Handelsgesellschaft m.b.H.» Фирмаси (Австрия) – умумий қиймати 1'420'310'000 сўмни ёки Жамият Устав фондининг 10,00% ни ташкил этувчи 284'062 (икки юз саксон тўрт минг олтмиш икки) дона акция;➤ «KITO INVESTMENTS PTE.LTD.» Компанияси (Сингапур) - умумий қиймати 2'840'000'000 сўмни ёки Жамият Устав фондининг 20,00% ни ташкил этувчи 568'000 (беш юз олтмиш саккиз минг) дона акция;➤ «WELTON INTERNATIONAL ENTERPRISES PTE. LTD.» Компанияси (Сингапур) - умумий	<p>5 МОДДА. УСТАВ ФОНДИ. 5.3 Банд. Жамиятнинг Устав Фонди, ҳар бирининг номинал қиймати 5'000 (Беш минг) сўм булган 2'840'000 (Икки миллион саккиз юз қирқ минг) дона оддий эгаси ёзилган акцияларга бўлинган, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none">➤ «SEID Handelsgesellschaft m.b.H.» Фирмаси (Австрия) – умумий қиймати 284'310'000 сўмни ёки Жамият Устав фондининг 2,00% ни ташкил этувчи 56'862 (Эллик беш минг саккиз юз олтмиш икки) дона акция;➤ «KITO INVESTMENTS PTE.LTD.» Компанияси (Сингапур) - умумий қиймати 2'840'000'000 сўмни ёки Жамият фондининг 20,00% ни ташкил этувчи 568'000 (беш юз олтмиш саккиз минг) дона акция;➤ «WELTON INTERNATIONAL ENTERPRISES PTE. LTD.» Компанияси (Сингапур) - умумий қиймати

қиймати 9'859'060'000 сўмни ёки Жамият Устав фондининг 69,43% ни ташкил этувчи 1'971'812 (бир миллион тўққиз юз етмиш бир минг саккиз юз ўн икки) дона акция;

➤ **Узбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари** - умумий қиймати 80'630'000 сўмни ёки Жамият Устав фондининг 0,57% ни ташкил этувчи 16'126 (ўн олти минг бир юз йигирма олти) дона акция.

9'859'060'000 сўмни ёки Жамият Устав фондининг 69,43% ни ташкил этувчи 1'971'812 (бир миллион тўққиз юз етмиш бир минг саккиз юз ўн икки) дона акция;

➤ **Узбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари** - умумий қиймати 1'216'630'000 сўмни ёки Жамият Устав фондининг 8,57% ни ташкил этувчи 243'326 (икки юз қирқ уч минг уч юз йигирма олти) дона акция.



9 МОДДА. ДИВИДЕНДАРНИ ТЎЛАШ.

9.9 Банд. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкаларидан келиб чиққан ҳолда пеня ҳисобланади.

Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Акциядор жамият томонидан ҳисобланган дивидендлар ва пенялар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Акциядорнинг талаблари суд томонидан қаноатлантирилганда дивидендлар жамият томонидан тўланмаган тақдирда, жамиятга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиб-таомили қўлланилади.

13 МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.

13.3 Банд. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида мажбурий тартибда Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган масалалар ҳал қилинади.

13 МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.

13.3 Банд. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг муддатини

Акциядорларнинг йиллик йиғилишидан ташкари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташкари ҳисобланади.

узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари конун белгиланган тартибда. Акциядорларнинг йиллик йиғилишидан ташкари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташкари ҳисобланади.

13.5 Бандда биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошиси

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини, йиллик ҳисоботлар, бухгалтерлик баланслари, Жамиятнинг фойда ва зарарлари ҳисобини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;


13.5 Бандда биринчи қисмининг ўн иккинчи хатбошиси

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

14 МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

14.4 Бандда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;



14 МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

14.4 Бандда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

18 МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ.

18.4 Банд. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 30 кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

18 МОДДА. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ.

18.4 Банд. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит

стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

